

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

Камолиддин Маматкулов

ИИБ академияси мустақил таъдқиқотчиси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи. Мазкур турдаги жиноятларни очишдаги аҳамияти. Тергов жараёнида криминалистик билимларни қўллаш бўйича илмий-амалий фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: Гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, тақиқланган экинлар, тергов, криминалистик, наркотик, жиноят, ноқонуний

ABSTRACT

This article provides a criminalistic description of crimes related to the cultivation of prohibited crops. Its importance in solving this type of crime. Scientific and practical opinions and comments on the application of criminalistic knowledge in the investigation process are presented.

Keywords: Drugs, psychotropic substances, prohibited crops, investigation, criminalistic, narcotics, crime, illegal.

Таркибида наркотик воситалар ва психотроп моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш соҳаси давлат монополияси ҳисобланади. Тақиқланган ўсимликларни етиштириш учун рухсат (лицензия)ни махсус ваколатли орган давлат корхоналарига илмий тадқиқот олиб бориш ҳамда хусусий секторга тадбиркорлик мақсадида беради. Лекин айрим шахслар ноқонуний даромад топиш ва ўзлари истеъмол қилиш учун уларни ғарз ниятларда, жинойий мақсадни кўзлаб, қонунга ҳилоф равишда ҳам етиштирадilar.

Мамлакатимиз шароитида тақиқланган ўсимликлардан кўкнорнинг ухлатувчи, ёғли турлари ва наша ўсимликлари экилади. Бундай ўсимликлар асосан кўзга ташланмайдиган, хилват, назорат қилинмайдиган бўш ерларга (тоғ ёнбағирлари, даралар, ўрмонлар, чакалакзорлар, дарё, сой ва ариқ ёқалари) ҳамда ҳовли ер майдонлари, иссиқхоналар, хонадонлардаги гултувакларга экилади. Экинзорлар алоҳида плантация кўринишида ёки бошқа маданий ўсимликлар орасида барпо этилади. Кўкнор уруғи пиёз ўсимликлари уруғига ўхшаш

бўлганлиги сабабли кўпинча улар аралаштириб сепилади ва бирга етиштирилади. Аксарият ҳолларда наша маккажўхорисимонлар оиласига мансуб ёки каноф ва кунжут ўсимликлари экилган майдонларда улар билан бирга парвариш қилинади. Бундан кўзланган асосий мақсад жинорий хатти-ҳаракат изларини яшириш ва келгусида терговга ноўрин важ-корсонлар (алиби) киритишдан иборат.

Тақиқланган экинларни етиштириш мавжуд агротехник қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. "Ушбу экин-ларнинг агротехник ҳолати деганда, қуйидагилар тушунилади: ерни танлаш, ҳайдов ишлари олиб бориш, сунъий ва табиий ўғитларга тўйдириш, унга баҳорги ишлов бериш, уруғ сепиш, кўчат экиш (нашани пархиш қилиш, агарда улар хонадонда етиштирилса, гултувакларга қаламча қилиш), суғориш, ўғитлар билан бир неча бор озиклантириш, ўз вақтида чопиқ қилиш, культивациялаш, бегона ўтлардан тозалаш, яганалаш ва ҳосил етилгунига қадар бошқа агротехник ва агрокимё чора-тадбирларини кўриш"[1]. Иссиқхона ва хонадонлардаги гултувакларда тақиқланган ўсимликларни етиштиришнинг хусусияти улардаги мавсумий ҳаво ҳароратини мўътадил сақлашга қаратилган қуйидаги тадбирлардир: иссиқлик тизимини шайлаш, унинг бир маромда ишлашини таъминлаш, сарфланадиган электр энергияси ва газ учун ўз вақтида ёки олдиндан тўловларни амалга ошириш ва ҳ.к. Чунки иссиқхона ва хонадондаги гултувакларга экилган кўкнор ёки наша ўсимлигидан йил давомида ҳосил йиғиб олиш имкониятига эришилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган барча хатти-ҳаракатлар мажмуи шу турдаги жиноят ҳодисаси ҳақида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот манбалари ҳисобланади.

"Ҳодиса жойидаги излар ва экиннинг бегона ўтлардан тозаланганлиги, сув ёки ўғит билан ишлов бериб экинларнинг таги юмшатилиб , парвариш қилинганлигини , яъни ҳодиса жойидаги экинлар экилган экилмаганлиги ёки ўзи ўсиб чиққан чиқмаганлигини аниқлаштириб олишга ҳамда экинлар бошқа тақиқланмаган экинлар орасига экилган бўлса , уларнинг барчасини аниқлаб олиш"[2].

Тақиқланган экинларнинг агротехник ва агрокимё ҳолатлари юзасидан бажарилган ишнинг ҳажми, тури ва вақти жиноят иштирокчилари тўғрисида муҳим криминалистик маълумот манбаларини ташкил этади.

"Жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ҳамда терговнинг ҳар тамонлама холислигини таъминлаш мақсадида ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида экспертиза текшируви ўтказиш учун тақиқланган экинлар етиштирилаётган хонадонда яшовчи барча шахсларнинг кийимларидан , оёқ кимларидан ва хонадондаги экинларни парвариш

қилишга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги асбоблари (кетмон, ўроқ, теша, белкурак, хаскаш)ни ҳам ҳужжатлаштириб олиншига эътибор қаратилиши лозим. Ҳужжатлаштириб олинган кийимлар, оёқ кийимлар ва экинларни парвариш қилишга мўлжалланган асбобларнинг аҳамияти шундаки, мазкур экинларни парвариш қилишда кийимда парвариш қилинаётган экиннинг микрозарралари, бегона ўтлардан тозалаганда қолган тупроқ зарралари, экин экилган жой атрофида оёқ кийим излари аниқланганида гипсли қолиплар ёрдамида олинган изларни хонадонда яшовчиларнинг оёқ кийим излари билан таққослашнинг ҳамда экинларни парвариш қилишга мўлжалланган асбобларда мазкур экиннинг остидаги тупроқ зарралари ва асбобларнинг дастакларида тақиқланган экинни парвариш қилган шахсларнинг қўлидан қолган бармоқ излар ва биологик изларни текшириб кўриш орқали экинларни ким парвариш қилиб етиштириб келаётганлиги ҳолатига тўлиқ ойдинлик киритиш мумкин"[4]

Шахс қишлоқ хўжалиги, биология ва кимё соҳасида махсус билимга эга бўлмай туриб етиштирилаётган экинларининг юқори ҳосилдорлигига, уларнинг таркибидан наркотик воситаларни ўз вақтида ажратиб олишга эриша олмайди. Масалан, кўкнор бошоғининг сутсимон шираси етилган заҳоти уни кесиб қорадори (опий), ёки наша ўсимлиги гулининг чангини йиғиб, наша (гашиш) олинади, кимёвий реакция усули орқали эса наркотик воситалар экстракти ва бошқа ўта хавфли турларидан морфин, героин ҳосил қилинади.

Ўрганилаётган жиноятнинг мотив ва мақсадини аниқлаш маълумотларга тақиқланган экин майдонининг ҳажми ва ҳосилдорлик миқдорини аниқлаш орқали эришилади. Жиноятни содир этган кимса шахсий ва умум манфаатларини кўзлаб экин майдонининг ҳажми ва ҳосилдорлигини кўпайтиришга ҳаракат қилади, чунки шу усул билан бойлик орттириш имконига эга бўлади. Орттирилган бойлик жиноят иштирокчилари ўртасида тақсимланади ва унинг бир қисми ҳимоя воситаси сифатида ажратилади.

Жиноятни содир этган шахсларга етиштирилган ҳосилни хомашё сифатида ўтказиш турли ноқулайликларни юзага келтиради: биринчидан, катта ҳажмга эга бўлган ҳосилни белгиланган манзилга транспорт воситасида ошқора ташиш қийин; иккинчидан, жиноятни содир этган шахсларнинг иқтисодий манфаатлари, яъни хомашё тариқасида сотилган маҳсулот кўзланган даромадни келтирмайди. Шу сабабдан бундай шахслар кўкнор ва наша ўсимликлари таркибидан наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни хонаки усулда ажратиб олиш ва тайёр маҳсулот ҳолига келтиришга ҳаракат қиладилар. Бу ишни муваффақиятли амалга ошириш учун турли жиноят қуроллари шайланади. Буларга: ўриш, майдалаш ва янчишга мослашган ускуналар, тегирмон, обжувоз, уй-буюм жиҳозларидан ёғоч ва металл келилар, гўшт қиймалагич, кофе

майдалагич, турли ҳажмдаги қозонлар, идишлар, буғлатиш мосламалари ва бошқалар киради. Айнан шу жиноят қуроллари наркотик воситалар ва психотроп моддалар изларини қабул қилувчи объектлар сифатида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тарқатувчи манбалар ҳисобланади.

Чунки уларнинг юза қисмида хонаки усулда тайёрланган наркотик воситаларнинг излари ҳосил бўлади.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш мумкинки, жиноятларни очишда криминалистик билимлар жуда аҳамиятлидир. Далилларни асослаш ва мақбулаш учун криминалистик жиҳатларига эътиборли бўлиш муҳимдир. Криминалистик жиҳатларига эътиборли бўлиш жиноятларни осон ва тез очилишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Қозиходжаев Ж. Х., Ибрагимов М. О.

Наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари. Ўқув-амалий қўлланма Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – 101 б.

2. ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ. Сардор Ғуломжонович Раззоқов. Academic Research, Uzbekistan1312

www.ares.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12- сонли қарори. www.lex.uz.

4. ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ. Сардор Ғуломжонович Раззоқов. Academic Research, Uzbekistan1312 www.ares.uz.